



Development of banking activities in Uzbekistan based on digital technologies

Aziza AZLAROVA¹

Tashkent State University of Economics

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2025
Received in revised form
15 May 2025
Accepted 15 June 2025
Available online
25 June 2025

Keywords:

banking,
financial technologies,
financial popularity,
banking,
deposit,
credit,
online microloan,
digital transformation,
client,
financial literacy,
mobile technologies.

ABSTRACT

This article examines the issues of implementing financial technologies in the activities of commercial banks. It analyzes the areas of banking in which modern financial technologies are used. Based on the research conducted, practical proposals and scientific recommendations were developed.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss3-pp104-111>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбекистонда банклар фаолиятини молиявий технологиялар асосида ривожлантиришнинг аҳамиятли жихатлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

банк,
молиявий технологиялар,
депозит,
кредит,
онлайн микроқарз,
рақамли трансформация,
мижоз,
молиявий саводхонлик,
мобил технологиялар.

Мақолада Ўзбекистонда банклар фаолиятида молия технологиялардан фойдаланишининг замонавий ҳолати ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш масалалари ўрганилган. Олиб борилган тадқиқот юзасидан иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинган, ҳамда тадқиқот юзасидан амалий тақлиф ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

¹ Candidate of Economic Sciences, Professor, Department of Banking, Tashkent State University of Economics.
E-mail: aziza.azlarova@mail.ru

Развитие банковской деятельности в Узбекистане на основе цифровых технологий

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

банковское дело,
финансовые технологии,
финансовая популярность,
банковское дело,
депозит,
кредит,
онлайн-микрозайм,
цифровая трансформация,
клиент,
финансовая грамотность,
мобильные технологии.

В данной статье рассматриваются вопросы внедрения финансовых технологий в деятельность коммерческих банков. Проанализировано, в каких сферах банковской деятельности используются современные финансовые технологии. На основе проведенных исследований были разработаны практические предложения и научные рекомендации.

КИРИШ

Банк ишида юқори технологияли ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолият, молиявий хизматлар – интернет форматада ахборот ва коммуникация технологиялари ва шахсий ҳисоблаш қурилмалар, бизнес моделини ва бугунги иқтисодиётда истеъмолчилар нафақат ўзгарди, балки ижтимоий жараёнларни кенг ўзгартириш учун асос таълим концепциялари ва стандартлари, кўнгилочар ва дам олиш, электрон ўзаро асосланган, бу инфратузилмани, рақамли технологиялар асосида иқтисодий фаолият рақамли мақомга эга бўлган глобал иқтисодиётнинг янги тараққиёт вектори ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ

Ўзбекистон банклари катта ўзгаришлар бўсағасида турибди: тизим аста-секин давлатдан хусусий секторга ўтмоқда. Ушбу йўлда энг муҳим босқичлардан бири миқозларга хизмат кўрсатишга ёндашувни ўзгартириш ҳисобланади. Шу жихатдан банк фаолиятига молиявий технологияларни жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Бу жараёнда юзага келадиган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш орқали бугунги рақобат шароитида банкнинг нуфузи, даромадлилигини ва миқозга ёўналтирилган стратегиясини амалга оширишда дастак вазифасини бажаради.

Хорижлик иқтисодчи олим Кронк Дж.[3]нинг фикрича, рақамли трансформация молия тизимининг “қутқарув айланаси” ҳисобланиб, банк миқозларининг банк хизматларидан қониқмасликлари муаммосини хал қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Банк секторига янги банк хизматларини жорий этиш ҳамда тижорат банкларининг миқозларга кўрсатаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, масалалари юзасидан бир қатор иқтисодчи олимлар, Бобоқулов Т.И., Тоймухамедов И.Р., Бердияров Б.Т., Абдурахманова М.М., Мамадияров З.Т. [4;7]. ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев, “Янги Ўзбекистонда янги банк тизими бўлади. 2025 йилга бориб, давлат улушини 70 фоиздан 40 фоизга туширишимиз керак,” деб таъкидлаб ўтганлари ҳам алоҳида эътиборга молик [5].

Тадқиқот мавзуси доирасида, Тоймухамедов И.Р. [6] банк хизматларини кўламини кенгайтириш аҳоли томонидан молиявий хизматларга бўлган талаб ва молия институтларининг таклифига мос келиши керак деб таърифлаган.

Шу билан бирга, бугунги рақамли трансформациялашув шароитида банк фаолиятига молиявий технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланишда юзага келадиган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш муаммоси долзарб масалалардан ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, замонавий босқичда банк секторининг трансформацияси ва ривожланишини такомиллаштиришда олимлар ва соҳа вакиллариининг иқтисодий қарашлари, уларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Истеъмолчиларнинг кенг доираси учун мўлжалланган одатий банк маҳсулоти ёки хизмати ўтмишда қолди. Замонавий миқдорга кредитлар, бадаллар ва бошқа хизматлар учун индивидуал шартлар керак. Буни индивидуал ёндашувсиз амалга ошириш мумкин эмас.

Ҳар бир янгилик банк хатарларини оширади ва мураккаблаштиради, банкларнинг ишончлилиги ва барқарорлигини пасайтиради. Ахборот технологияларининг ривожланиши ва банк соҳасида тармоқ усуллариининг ривожланиши кредит ташкилотлари капиталини таваккалчиликка тақсимлаш нуқтаи назаридан бошқаришда сифатли ўзгаришларга олиб келади.

Банк тизимида давлатнинг устун мавқеи, банкларнинг турли давлат дастурлари ва корхоналарини молиялаштириш учун воситачи сифатида фаол жалб қилиниши натижасида банк тизимида йирик тижорат банкларининг тармоқдаги замонавий талабларга мувофиқ трансформация жараёнларида ортда қолиши, корпоратив бошқарув стандартлари, ахборот технологиялари маҳсулотлари, активлар ва пасивларни бошқариш, муаммоли кредитлар даражасининг юқори эканлиги, кредит портфелининг диверсификация даражасининг пастлиги, миқдорлар билан алоқа қилиш бўйича замонавий усуллари амалиётга жорий қилишда кечикиши каби муаммолар вужудга келмоқда.

Мавжуд муаммоларни баратраф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2020–2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси [7] қабул қилинган, унга мувофиқ бир қанча асосий чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларнинг асосий мақсади миқдорларнинг банк маҳсулотларига, жумладан, миқдорларга эътибор қаратиш орқали қизиқишини оширишдан иборат. Ушбу чора-тадбирлар орасида:

- банк секторини реструктуризация қилиш, шу жумладан, бир қатор банкларни давлат назоратидан босқичма-босқич чиқариш;
- хизматлар ва миқдорларга хизмат кўрсатишнинг мавжудлигини ошириш;
- халқаро маслаҳатчилар билан биргаликда банкни трансформация қилиш дастурини ишлаб чиқиш;
- жараёнларни автоматлаштириш;
- маълумотлар базаларини ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини кенгайтириш. Масалан, жисмоний шахслар солиқлар ва уй-жой коммунал хизматларини тўлаш имкониятига эга бўладилар;

– истеъмомчилар қониқиш индекси (CSI), шунингдек, истеъмомчиларнинг содиқлиги индекси (NPS) асосида банк хизматлари сифатини баҳолаш тизимини жорий этиш.

Дунёда кўплаб банклар ўртасидаги номақбул ва заиф рақобат шаклланган. Аксарият молия тузилмалари инновация жорий қилишда сусткашликка йўл қўйиши самарадорликка таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, технология жадал ривожланаётган бугунги даврда рақамли хизмат, молиявий технология компаниялари анъанавий тизимга муқобил, яъни рақобатчи сифатида майдонга чиқмоқда.

Банк бизнес моделларини трансформацияси қуйидаги йўналишларга мувофиқ амалга оширилиши мумкин: [8]

1) Банкни экотизимга трансформациялаш. Кўпгина хорижий тижорат банклари ва кредит ташкилотлари (Испаниянинг BBVA банки, Сингапур DBS банки ва бошқалар) ўз фаолиятини кенгайтириш ва мижозлар эҳтиёжларига йўналтирилган экотизимларни яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

2) Молиявий супермаркет (marketplace) ташкил этиш. Ушбу модел мижозларга молиявий маҳсулотлардан универсал фойдаланиш ва ягона интеграциялашган канал доирасида турли молиявий эҳтиёжларни қондириш имкониятини яратади.


3) Банкларнинг нобанк йўналишга ўтиши. Аксарият банклар асосий мақсад кўчмас мулк сотиб олиш бўлганида, мижоз билан ўзаро муносабатларнинг фақат индивидуал, анъанавий банкка йўналтирилган жиҳатларига, масалан, ипотека кредити тадқим этишга эътибор қаратишади.

Банк тизимида хавфсизликка доир ва маъмурий муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, кибер хуруж ва ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам банклар учун жиддий муаммога айланыпти. Негаки, молиявий хизмат рақамлашуви туфайли хавфсизликка нисбатан талаб ортади. Банклар зиммасига молиявий амалиёт хавфсизлигини таъминлаш, махфийликни сақлаш борасида улкан масъулият тушаётгани бежиз эмас.

Халқаро электр алоқа иттифоқи (ITU) томонидан эълон қилинган "Global Cybersecurity Index 2024" рейтингда мамлакатлар янги методика асосида баҳоланиб, Ўзбекистон 89,2 балл кўрсаткичи билан Канада, Швейцария, Венгрия, Қозоғистон ва Озарбайжон каби давлатлар билан биргаликда "Тиер 2 Илғор" (T2: Advancing) гуруҳидан ўрин эгаллади.

Маълумот учун: 2020 йилда эълон қилинган Халқаро киберхавфсизлик индекси рейтингда Ўзбекистон 71,11 балл билан 182 та мамлакат ичида 70-ўринда қайд этилган эди.


Ҳозирда, Марказий банк томонидан тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари, шунингдек ички ишлар органлари билан ҳамкорликда фирибгарлик ҳолатларида иштирок этган банк карталарини блоклаш ҳамда мазкур банк карталаридаги пул маблағларини мобил иловалар орқали хорижий ҳисобрақамларга ўтказишни олдини олиш бўйича чоралар кўриб борилмоқда. Бунда, банк карталари билан боғлиқ фрод операцияларни олдини олиш мақсадида мобил иловалар орқали пул маблағларини ўтказишда мижозларни биометрик идентификациядан ўтказиш, пул ўтказмаларини тасдиқлаш ва мобил akkaунтларидан фойдаланишда қўшимча хавфсизлик талаблари жорий этилган.



1-расм. Банк карталари орқали айланмалар динамикаси. [9]

Ўзбекистон тижорат банклари томонидан 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, 50, 51 миллион банк картаси чиқарилган.

Республикада, тўлов тизимлари инфратузилмасининг кенгайиб бориши ва фойдаланувчилар томонидан нақд пулсиз тўловларнинг афзал кўрилаётганлиги жисмоний шахсларнинг банк карталари орқали операциялари ҳажмининг ошишида намоён бўлиб, ушбу операциялар ҳажми 2024 йил 1 январь ҳолатига 2022 йилга нисбатан 470,8 трлн сўмга ёки 42,7 фоизга ошиб, 1 574,2 трлн сўмни ташкил этган. Бунда, банк карталарига келиб тушган маблағлар миқдори 789,5 трлн сўмни, банк карталаридан амалга оширилган тўловлар миқдори (нақдлаштириш билан бирга) 784,7 трлн сўмни ташкил этган. 2023 йилда банк карталарига келиб тушган маблағлар таркибида пенсия, нафақа, стипендия ва иш ҳақи тўловлари учун ўтказилган маблағлар улуши 29,2 фоизни, нақд пул ҳисобига банк картасига кирим қилинган ва омонат ҳисобварақларидан келиб тушган маблағлар – 20,4 фоизни, масофавий ўтказмалар (P2P) орқали тушган маблағлар – 35,3 фоизни ташкил этган.



2-расм. Банк карталари сони ҳақида маълумот (млн. та)

Банклар томонидан 426,22 минг тўлов терминали, шунингдек, 29,9 минг банкомат ва инфокиоск ўрнатилган. 2024 йилда банк карталари орқали тўлов терминаллари орқали амалга оширилган айланма 326,73 трлн сўмдан ошган.

Чиқарилган карталар сони бўйича етакчи банклар: Халқ банки (12,4 млн карта), Агробанк (5,38 млн) ва Ипотека-банк (4,66 млн) ҳисобланади.

Тўлов терминаллари сони бўйича Халқ банки (45 663 та) жойлашган бўлиб, ундан кейин Миллий банк (40 121 та) ва Агробанк (36 462 та) хиссасига тўғри келмоқда.

Банкомат ва инфокиосклар сони бўйича эса биринчи учлик қуйидагича: Тўлов ташкilotлари (13 598 та), Халқ банки (3 075 та) ва Агробанк (2 153 та) [10].

Ҳозирги шароитда рақамлаштириш натижасида молиявий хизматларга бўлган талабнинг чуқур ўзгаришига жавобан банклар ўз бизнес моделларини трансформациялаш учун турли ёндашувларни қўллашлари зарурати ортган.

Ахборотлашган жамият тезлик билан шаклланиб ахборот дунёсида давлат чегаралари деган тушунча йўқолиб бормоқда. Маълумотларга кўра, дунё бўйлаб ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киберҳужумлар уюштирилади. Ҳар сонияда дунёдаги ҳар 12 нафар инсондан бири кибермаконда содир этилган ҳужумлар қурбонига айланмоқда. Хусусан, АҚШ, Франция, Англия, Бельгия, Германия, Люксембург каби давлатларда кибержиноятчилик кўрсаткичи умумий жиноятчиликнинг 60–65 фоизини ташкил этади.

Экспертларнинг ҳисоб-китобича, киберҳужумларнинг асосий қисми махфий маълумотларни қўлга киритиш, уларни ўзгартириш ёки йўқотиш, фойдаланувчилардан пул талаб қилиш ёки бизнес жараёнларини издан чиқаришга қаратилмоқда.

Бунинг натижасида бир йилда дунё иқтисодиёти ўртача 20 миллиард АҚШ долларида зарар кўрмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда кибержиноятлар 8,3 бараварга кўпайиб, умумий жиноятчиликнинг 5 фоизини ташкил этмоқда. Масалан, кибермаконда фирибгарлик билан боғлиқ ҳолатлар 13 бараварга, ўғрилик 20 бараварга, товламачилик, туҳмат ва ҳақорат қилиш билан боғлиқ жиноятлар эса 4,9 бараварга ортган.

Таҳлилий маълумотларга қараганда, республикада кибержиноятчиликнинг айрим турлари, жумладан ноқонуний банк-молия операциялари орқали ўзгаларнинг пластик картадаги маблағларини ўзлаштириш, бировнинг ишончига кириб, унинг номига онлайн микроқарз олиш, вирусли дастурлар орқали компьютерларга ҳужум уюштириш, ўзгаларнинг шахсий маълумотларини тарқатиш ахборот ҳужумлари, онлайн савдо майдонидаги фирибгарлик каби жиноятлар кўпайиб бормоқда.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелда “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.[9]

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев 2025 йил 20 январь куни Cyber university давлат университетини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни имзолаган.

Янги олийгоҳга ахборотни ҳимоялаш, ахборот ва киберхавфсизлик, рақамли технологиялар ва рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллектга асосланган автоматлаштирилган ахборот-таҳлилий тизимларни яратиш, робототехника ва бошқа турдош соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган.

Киберхавфсизлик ва маълумотлар ҳимоясини кучайтириш орқали республикамиз банк тизимида хавфсизлик соҳасида янги ечимлар, жумладан, биометрик аутентификация ва ноль-ишонч архитектураси ривожланади..

Марказий банк томонидан, банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларнинг олдини олиш, фирибгарлик схемаларида жисмоний шахсларга тегишли ҳисобварақлар ва банк карталари иштирокини камайитириш мақсадида банклар томонидан битта жисмоний шахсга (битта ЖШШИРга) карталар сонини (виртуал ва кобейжинг карталарини инобатга олган ҳолда) вақтинчалик битта банкда 5 тагача, барча банкларда 20 тагача белгилаган.

ХУЛОСА

Умуман олганда, бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш орқали аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизминини жорий қилиш, кредит ташкилотларини уларга хос бўлмаган ортиқча юклардан озод қилиш орқали маъмурий юкни бартараф этишга эришиш чораларини кўриш зарур;

Тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш, бу жараёнда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва масофавий банк хизматлари турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар ошириш лозим;

Банк ишида етарли даражада тажриба, билим ва обрўга эга бўлган стратегик инвесторларни жалб қилган ҳолда, қатор тижорат банкларида давлат улушини камайитириш;

Банк ходимлари сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича ҳозирча кам кўникмаларга эга бўлишига қарамай, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш молия-кредит ташкилотларига фақат инсон ресурслари ҳал қила олмайдиган жуда мураккаб вазифаларни ҳал қилишга имкон беради.

Ўзбекистоннинг атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган ҳудудлари аҳолиси учун яхшиланган ва арзон турмуш шароитларини таъминлаш мақсадида, яшил кредитлашнинг жорий этилиши лозим. Натижада Ўзбекистон аҳолиси ўртасида энергия тежамкор ва кам углеродли уй-жойларга талабнинг ошишига олиб келади.

Умуман олганда, банк фаолиятига молиявий технологияларни жорий этиш орқали банк хизматлари оммабоплигини ошириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, банк фаолиятида молиявий технологиялардан фойдаланишда юзага келадиган камчиликларни ўз вақтида аниқлаб бартараф этиш орқали аҳолининг кредит ва тўлов ташкилотларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, приовардида аҳоли турмуш даражасининг фаровонлиги, молиявий тизим ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашга ҳамда мамлакатда яширин иқтисодиёт улушининг қисқаришига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони, 28.01.2022 йил. <https://lex.uz/docs/5841063>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» Стратегияси тўғрисида Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

3. Кронк Дж. Цифровая трансформация финансовых услуг – надежное вложение в будущее. URL: https://www.cisc0.c0m/c/dam/m/ru_ru/intemet-of-everything-ioe/iac/assets/pdfs/Cisco_Financial_m.pdf
4. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. – Тошкент.: «Iqtisod-Moliya», 2017-732 б.
5. Ш. М. Мирзиёев Банк тизимида трансформация ва хусусийлаштириш жараёнлари муҳокамаси бўйича йиғилиши. 2023 йил 20 ноябрь.
6. Тоймухамедов, И., & Махкамова, Д. (2020). Цифровая экономика и её влияние на банковский бизнес в Узбекистане. *Экономика и инновационные технологии*, (2), 151–160. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11408
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида 5992 сонли Фармони. 12.05.2020 й. <https://lex.uz/docs/4811025>
8. Атанязов Ж.Х. Т Рақамли иқтисодиёт шароитида банк бизнес моделларининг трансформацияси. “Iqtisodiyotning raqamlashuvi sharoitida bank-moliya tizimini rivojlantirish istiqbollari” mavzusida respublika ilmiy-amaliy konferensiya tezislari to‘plami. Toshkent: Moliya, 2023. 820 b.
9. <https://cbu.uz/upload/medialibrary/c2e/jcu9sa4tbwawr6xfqqnyn4ivpbc7s2l1/Yillik-hisobot-2024.pdf>/ 147-бет
10. <https://www.uzdaily.uz/uzc/2025-yil-1-yanvar-holatiga-ko%CA%BBra-o%CA%BBzbekistonda-5051-million-bank-kartasi-chiqarilgan/>
11. Ўзбекистон Республикасининг Киберхавфсизлик тўғрисида Қонуни, 15.04.2022 йилдаги ЎРҚ-764-сон. <https://lex.uz/docs/5960604>
12. А Azlarova. Особенности развития банковской системы республики узбекистан на современном этапе. *Economics and Innovative Technologies*, 11 (5), 1–7.
13. <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=10217124282259592342&btnI=1&hl=ru>
14. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/11/21/state-banks/>
15. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/2122799/>